

У ҳақда сен айтган нарсанигина биламан



08:00 / 08.01.2021 2010

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Умар розияллоҳу анҳу Бадрда қатнашган улуғ саҳобалар билан бирга мени ҳам ҳузурига киритар эди. Уларнинг баъзилари: «Нима учун бу биз билан бирга кирди? Бизда ҳам бу каби ўғиллар бор-ку?» дейишарди. Умар розияллоҳу анҳу: «Бу бола сизлар билган жойдан, яъни нубувват хонадонидан», деди. Бир куни мени чақириб, Бадр жангида қатнашган улуғ саҳобалар билан бирга ҳузурига киритди. Менимча, ўша куни чақирилишимнинг сабаби уларга кўрсатиб қўйиш учун бўлган. Умар: «Аллоҳ таолонинг «Эй Муҳаммад!) **Аллоҳнинг нусрати** (мадади) **ва фатҳ келганда...**» сўзи ҳақида нима дейсизлар?» деб сўради. Баъзилари: «Аллоҳ бизга фатҳ ва нусрат берганда Аллоҳга ҳамд айтишга ва истиффор айтишга буюрилганмиз», дейишди. Баъзилари эса ҳеч нарса дея олишмади. Шунда у менга: «Эй Ибн Аббос, сен ҳам шундай дейсанми?» деди. «Йўқ», дедим. «Нима дейсан?» деди у. Мен

шундай дедим: «У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ажалларидир. Аллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад!) **Аллоҳнинг нусрати** (мадади) **ва ғалаба келганида**», деди. Бу ажалингиз аломатидир. **«Дарҳол Роббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг ва Ундан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул этувчи Зотдир»**, (Наср сураси, 1-2-3 оятлар) деган». Шунда Умар розияллоҳу анҳу: «Мен ҳам фақат сен айтган нарсани биламан», деди.

Имом Бухорий ривоят қилган.

«Солиҳлар гулшани» китобидан